

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Protected by PDF Ant-Copy Free

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

2025 йил февраль ойининг 20 кунини, жиноят ишлари бўйича Бўстонлик туман суди ўз б... да, очиқ суд мажлисида, туман суди раиси Ш.Ахмедов раислигининг ўқувчи маслаҳатчилари Т.Халикова ва С.Исраиловадан иборат ҳайъатнинг судья ёрдамчиси Д.Жураеванинг котибалигида, давлат айбловчиси - Бўстонлик туман прокурорининг ёрдамчиси Р.Миралимов, судланувчи Ш.Шайнисов ва унинг ҳимоячиси “Nigora Mirsaitovna” адвокатлик бюроси адвокати Н.Тойчиевнинг иштирокида, Ш.Шайнисовга оид 1-1106-2501/44-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра:

Шайнисов Шерзод Тожимуратович (Shaynisov Sherzod Tojmuratovich), 1985 йил 23 июлда Тошкент вилояти, Бўстонлик туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, беш нафар фарзандлари бор, муқаддам:

1. ЖИБ Бўстонлик туман судининг 2009 йил 17 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан 701.000 сўм жарима жазоси тайинланиб, жаримани 2009 йил 28 апрель кунини тўлиқ тўлаган;

2. ЖИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 2011 йил 29 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 2-қисмининг “а,б” бандлари билан 2.486.750 сўм жарима жазоси тайинланиб, жаримани 2011 йил 3 май кунини тўлаган;

3. ЖИБ Юқоричирчиқ туман судининг 2013 йил 26 декабрдаги ажрими билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддасининг 2-қисмининг “а,г” бандлари, 112-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги “...амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 6-бандига асосан тугатилган;

4. ЖИБ Бекобод шаҳар судининг 2016 йил 12 июндаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми, 165-моддасининг 2-қисмининг “в” банди, 238-моддасининг 2-қисми билан ЖКнинг 59,61-моддаларига асосан тайинланган жазоларни қисман кўшиш йўли 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум этилган. ЖИБ Олмалик шаҳар судининг 2017 йил

хақида туман электр тармоқлари корхонасига хабар берилгани, шундан сўнг электр корхонасига бир неча бора ҳисобдон ўрнатиш кераклиги ҳақида сўраб мурожаат қилганида, ўзи янги ҳисобдон ўрнатаверишини айтгани сабабли ўзи ҳисобдон сотиб олиб ёлланма электр устаси томонидан ҳисобдонни ўрнатиб олгани, ушбу ҳисобдонни ўрнатиш учун туман электр тармоқлари корхонаси билан шартнома тузмагани ва ҳисобдон давлат рўйхатидан ўтмагани, 2024 йил 5 июль куни ушбу дала ҳовлида бўлмаган вақтида унинг дала ҳовлисига электр тармоқлари корхонаси ва маҳалладан одамлар киришиб ҳисобдони текширилганида давлат рўйхатидан ўтказмасдан фойдаланиб келаётганлиги аниқлангани ва бу ҳақидаги далолатномани кўшниси унга айтиб хабар бергани, унга ҳисобланган зарар дастлабки тергов жараёнида тўлиқ қоплаб берилгани, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилавий шароитини инобатга олиб, енгил жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар Э.Абдуллаев судда, Бўстонлик тумани электр таъминоти корхонасида ҳуқуқшунос вазифасида ишлаб келиши, 2024 йил 1 июль куни “Ўзэнергоинспекция” Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси ва туман электр тармоқлари корхонаси билан биргаликда Бўстонлик тумани, “Фазогир” маҳалласи, Бештут кўчаси, 115-уйда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиниши ҳолати юзасидан ўрганиш ўтказилганда, ушбу дала ҳовлига ҳисобдон умумий фойдаланиш тармоғига туман электр тармоқлари билан шартнома тузмасдан, ўзбошимчалик билан ноқонуний уланганлиги ҳолати аниқланиб, далолатнома расмийлаштирилгани, ушбу далолатномага кўра, Вазирлар Маҳкамасининг 31.05.2024 йилдаги “Электр энергия ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 319-сонли қарорига асосан ҳисоб-китоб қилиниб, жами 147.812,6 кВт/с электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилганлик оқибатида Бўстонлик ТЭТ манфаатларига жами 199.547.064 сўм зарар қайта ҳисоб-китоб қилингани, ушбу зарар судланувчи Ш.Шайнисов томонидан депозитга қўйилгани, суднинг якунида ушбу зарарни “Узэнергосавдо” Бўстонлик тумани бўлими ҳисоб рақамига ўтказиб беришни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ Ф.Абдуллаев судда, “Ўзэнергоинспекция” Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасида 2014 йилдан буён турли лавозимларда ишлаб келиб, 2018 йилдан ҳозирги кунга қадар бош мутахассис лавозимида ишлаб келиши, 2024 йил 1 июль куни Бўстонлик тумани, “Фазогир” маҳалласи, Бештут кўчаси, 115-уйда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиниши ҳолати юзасидан ўрганиш ўтказилгани, ушбу дала ҳовлига борилганида дала ҳовлида нотаниш шахс бўлгани,

Ш.Шайнисовга кўнғироқ қилинганида келмагани, сўнг ушбу фуқаро, маҳалла раиси, ҳолисасар йўтиришда дала ҳовли ўрганиб чиқилгани, ўрганиш давомида электр ҳисоблагич, бир дона аристон 1,5 кВт, бир дона қўлбола тен 6 кВт, бир дона сув насоси 1,1 кВт, сауна тени 6 кВт, икки дона бассейн фильтр насоси 1,85 кВт, сув бир дона сув насоси 1,1 кВт, бир дона музлатгич 0,2 кВт, бир дона телевизор 0,2 кВт, 23 дона ёритгич 0,04 кВт умумий қувиқ қилиниш тармоғига туман электр тармоқлари билан шартнома тузмасдан, ўзбошимчалик билан ноқонуний уланганлиги ҳолати аниқлангани ва ушбу ҳақида тегишли тартибда далолатнома расмийлаштирилгани, Вазирлар Маҳкамасининг 31.05.2024 йилдаги “Электр энергия ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 319-сонли қарорига асосан ҳисоб-китоб қилиниб, жами 147.812,6 кВт/с электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилганлик оқибатида Бўстонлик ТЭТ манфаатларига жами 199.547.064 сўм зарар қайта ҳисоб-китоб қилинганлиги, ушбу дала ҳовли электр ҳисобдони умумий КАС дастуридан чиқмагани, аслида абонент ҳисобдон ўрнатилишида дастлаб корхона билан шартнома тузиб, сўнг туман электр тармоқлари корхонаси ходимлари ҳисобдонни ўрнатиб КАС дастуридан рўйхатидан ўтказилиши керак бўлгани, Ш.Шайнисов эса ҳисобдонни шартнома тузмасдан КАС дастуридан ўтказмасдан ўзбошимчалик билан уланиб олганини айтиб кўрсатув берди.

Гувоҳ С.Саидкаримов, А.Абдуманнапов судда сўроқ қилинган гувоҳ Ф.Абдуллаевнинг кўрсатувиغا ўхшаш аналогик кўрсатув бердилар.

Суд хайъати давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят ишидаги мавжуд далилларни таҳлил қилиб, судланувчи Ш.Шайнисов айбига тўлиқ иқроор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, унинг айби, тушунтириш хатлари, “Ўзэнергоинспекция” Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси ходимлари томонидан тузилган 0011-000383-сонли далолатномаси, “Ўзэнергоинспекция” Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан тузилган хулоса ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланган деб ҳисоблайди.

Дастлабки тергов органи томонидан Ш.Шайнисовнинг тижорат мақсадида умумий фойдаланишдаги электр тармоқларига ноқонуний равишда уланиб, электр энергиясини яширин равишда жуда кўп миқдорда талон-торож қилишда ифодаланган жинойий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Судланувчи Ш.Шайнисовнинг айбига тўлиқ иқдорлиги, содир этган қилмишидан чиқариладиган жазо билан бирга нафар фарзандлари борлиги ЖК 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топилди, шу билан бирга унинг ҳаракатларида ЖК 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслиги инобатга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, Давлат органи томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги;

21-моддасида, Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат қонунга мувофиқ ва фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлигини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида зарур бўлган доирада чекланиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд ҳайъати, судланувчи Ш.Шайнисовга жазо тури ва миқдорини тайинлашда юқоридаги Қонун талаблари ва Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қароридаги раҳбарий кўрсатмалардан келиб чиқиб, унга индивидуал тарзда ёндошиб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига таяниб, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни, шунингдек содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, етказилган зарар тўлиқ бартараф этилганини ва бошқа жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, унга ЖК 57-моддасини қўллаб, у айбли деб топилган модда санкциясида назарда тутилмаган бошқа жазо, яъни озодликни чеклаш жазоси тайинлашни;

шунингдек, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш мақсадида Бош прокуратура электр ва табиий газдан ноқонуний фойдаланиш оқибатида етказилган зарарни ундиришга мўлжалланган ҳисоб рақамга топширилган 199.547.064 сўм пул маблағини “Ўзэнергосавдо” Бўстонлик туман бўлими ҳисоб рақамига ўтказишни;

шу билан бирга, судланувчи Ш.Шайнисовга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасига кўра, жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига, шунингдек афв этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб берилгани боис, у ҳукм устидан юқори турувчи судга апелляция тартибида шикоят қилиши мумкинлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 465-467, 471-472-моддаларида белгиловчи ҳайъати

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Х У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи **Шайнисов Шерзод Тожимуратович** (Shaynisov Sherzod Tojmuratovich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 4-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин ва унга нисбатан шу модда билан ЖК 57-моддасини қўллаб, 4 (тўрт) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Ш.Шайнисовни Бўстонлик тумани, Ғазалкент шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 154-уйдаги яшаш манзилини, *(тиббий муассасаларида даволанишидан ташқари)* тарк этиши бутунлай чеклансин ва унга қўйидаги, яъни:

-жазони ижросини назорат қилувчи органлар розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-Тошкент вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби чеклов ва тақиқлар ўрнатилсин.

Озодликни чеклаш жазоси маҳкум жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ш.Шайнисовга агар озодликни чеклаш жазосини ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган бўлса, суд унга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши;

озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан унинг зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Мазкур жазони ижросини назорат қилиш яшаш жойи бўйича Тошкент вилоят Бўстонлик туман ИИО ФМБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.

Ш.Шайнисовга нисбатан қўлланилган гаров тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин ва Тошкент вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 7.500.000 сўм пул маблағи ҳукм қонуний кучга киргандан кейин Ш.Шайнисовга қайтарилсин.

Жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш мақсадида Бош прокуратура электр ва табиий газдан ноқонуний фойдаланиш оқибатида етказилган зарарни ундиришга мўлжалланган ҳисоб

раақамга топширилган 199.547.064 (бир юз тўқсон тўққиз миллион беш юз қирқ етти минг олти миң тўрт) сўмнинг маблагини ҳукм қонуний кучга киргандан кейин “Ўзэнергосавдо” Бўстонлик туман бўлими ҳисоб рақамига ўтказилсин.

Ҳукмдан норози томи Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497⁴-моддасига мувофиқ, агар шикоят ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи, фуқаровий даъвогар эса ҳукм нуسخасини олган кунидан бошлаб шу муддатда жиноят ишлари бўйича Бўстонлик туман суди орқали Тошкент вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин эса кассация тартибида шикоят беришлари, прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

Ш.Ахмедов

Ҳалқ маслаҳатчилари

Т.Халикова

С.Исраилова